

**Транспорт назорати инспексияси томонидан
инспекция ходимлари ва жамоатчиликка
МУРОЖААТИ**

Тараққиётнинг янги босқичига қадам қўяётган Ўзбекистон учун коррупсиянинг ҳар қандай шаклдаги кўриниши ислоҳотлар шиддатини сусайтириши билан нақадар хавфли ва энг катта иллатлардан бири эканлиги ҳаммамизга маълум. Президентимиз Шавкат Мирзиёев: “**Коррупсияга қарши курашишда аҳолининг барча қатламлари, энг яхши мутахассислар жалб қилинмас экан, жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, “ҳалоллик вакцинаси” билан эмланмас экан, ўз олдимиизга қўйган юксак марраларга эриша олмаймиз. Биз коррупсиянинг оқибатлари билан курашишдан унинг барвақт олдини олишга ўтишимиз керак”,** - деб бежизга таъкидламаганлар. Коррупсияга қарши нафақат Ўзбекистон балки бутун дунёда кескин кураш олиб борилмоқда.

Республикамида ҳар бир амалга оширилаётган ислоҳот “**Инсон қадри учун**”, “**Давлат – инсонлар учун**” деган халқчил ғоя, изчиллик билан қарор топиб бормоқда.

Хусусан, Транспорт назорати инспексияси ҳам транспорт соҳасида давлат назоратини амалга ошириб келмоқда. Кейинги йилларда мамлакатимизда инсон ва унинг қадр-қимматини юксалтириш борасида очиқлик ҳамда шаффофликка асосланган ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Иқтисодиётда стратегик аҳамиятга эга бўлган транспорт соҳасида ҳар куни минглаб транспорт воситалари, автобус ҳамда поездлар ҳаракатланади ва минглаб инсонларни, юкларни ўз манзили томон элтади. Ўз навбатида, Транспорт назорати инспексияси учун ҳам транспортда ташишларда инсонларнинг хавфсизлиги биринчи туради. Шу билан бирга, республикамиз ҳудудида яшовчи фуқаролар ҳамда юртимизга ташриф буюраётган чет эллик меҳмонларнинг узоғини яқин қилаётган замонавий, қулай йўловчи поездлар ва транспорт воситаларининг ўз вақтида хавфсизлигини таъминлаш барчамизнинг вазифамиздир.

Шунингдек, юкларни ташиш темир йўл транспорти ҳамда юк автотранспортнинг асосий функцияларидан ҳисобланаб, саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарилиши жараёнидан тортиб, уни давом эттириш ва якунлаш ҳамда аҳолининг эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўлган юкларни манзилига хавфсиз етказишдан иборатdir. Бунда эса Инспексияни бевосита алоқадор десак айни муддао бўлади.

Бу борадаги ишларни самарали ташкил этишда Инспекция ходимлари ўз ишини масъулият ва вижданан бажариши муҳим ҳисобланади. Биламизки, коррупсия шундай иллатки, уни бир ёки икки идоранинг саъй-ҳаракати билан батамом йўқ қилиб бўлмайди. Қачонки, барча фуқароларимиз, жамоатчилик унга қарши биргалиқда курашиб, унинг илдизларини йўқ қилишга киришилсагина ижобий натижага эришиш мумкин.

Коррупсия нафақат мамлакатга моддий йўқотиш олиб келади, балки тадбиркорлик ривожига, қонун устуворлигини шакллантиришга тўсқинлик қиласи, жамиятда ижтимоий кескинликни, давлат бошқарув органларига

ишончсизликни келтириб чиқаради ва натижада ҳалокатли оқибатлар юзага келади.

Инспекциянинг **коррупсияга** қарши курашиш бўйича **Сиёсати**, коррупсиявий **хавф-хатарларни баҳолаш Услубиёти**, **манфаатлар тўқнашувини бошқариш** бўйича **Низом**, алоқа каналлари орқали коррупсиявий хатти-ҳаракатлар тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш **Регламенти**, этика ва коррупсияга қарши курашиш соҳасида ўқитилишини ташкил қилиш бўйича, контрагентларни текширишга оид ва ишга қабул қилинаётган номзодларни текшириш бўйича **Йўриқномалар**, Коррупсияга қарши тартиб-таомилларнинг самарадорлигини мониторинг ва **назорат қилиш Услубиёти**, коррупсияга қарши кураш тизимининг ҳолати тўғрисидаги **ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этиш бўйича Низом** ҳамда коррупсиявий хатти-ҳаракатлари ва одоб-аҳлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари устидан **хизмат текширувлари ўтказиш бўйича Регламенти** бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Шунингдек, Инспекциянинг 2024 йил 25 апрелдаги тасдиқланган **Коррупсиявий хавф-хатарлар Харитаси** ҳамда Инспекция марказий аппарати ва ҳудудий филиалларнинг **коррупсияга қарши курашиш ДАСТУРИ** асосида ишлар амалга оширилмоқда.

2024 йилнинг ИИ чорагида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 6-июлдаги **ПҚ-5177**-сон қарори **11-банди** ижроси юзасидан “ҳалоллик вакцинаси” тамойили асосида давлат хизматчиларини мунтазам равишда коррупсияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашуви ва одоб аҳлоқ қоидалари бўйича маҳсус ўқув курсларда ўқитиш тизимини жорий этилиши муносбати билан инспекциясининг 120 нафар бошқарув ходимларини Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси томонидан **Коррупсияга қарши курашиш ва манфаатлар тўқнашувини бартараф этиш масалалари бўйича** 12 соатлик масоғавий ўқув курсларда **ўқишлилар ташкил қилинди**.

Инспекциянинг 2021 йил 12 апрелдаги “Ишга қабул қилиш, ходимларни бошқа лавозимга ўтказиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 97-сон буйруғига муофиқ **Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги** билан ҳамкорликда эълон қилинган мустақил, очиқ танлов асосида ишга қабул қилиш ишлари амалга ошириб келинмоқда.

Инспекцияда ходим ва иш берувчи ўртасида тузилган **мехнат шартномаларига коррупсияга қарши курашиш шартлари бўйича ўзгартиришлар киритилди**.

Инспекцияда коррупсияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида тезкор хабар бериш имконини берувчи алоқа каналлари, маҳсус ахборот порталлари, ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифалар, “Салл-сентер” фаолияти йўлга қўйилган. Жумладан, Инспекциянинг расмий сайти (“[узтн.уз](#)”), телеграм канали (“[хттпс://т.ме/Узтрансназорат](https://t.me/Uztransnazorat)”) йўлга қўйилган. Коррупсион ҳолатлар ҳақида хабар бериш учун қайта алоқа боти (“[хттпс://т.ме/антисорруптион_узтн_бот](https://t.me/antisorruption_uztn_bot)”) ташкил қилинган. Ўз навбатида, инспекцияда коррупсия ҳолатлари ҳақида хабар

бериш механизми жорий әтилган бўлиб, хабар берган ходимларни рағбатлантириш, уларнинг таъқибга олинмаслиги кафолатланади.

Пораҳўрлик жамият барқарорлигининг муҳим асоси бўлган адолатнинг йўқолишига, қонунларни менсимасликка олиб келади. Халқимиз фаровонлиги ва соҳа ривожини истаган ҳар бир ходим ҳамда улар билан муносабатларга киришувчи хоҳ давлат ташкилоти ва корхоналари, шу билан биргалиқда тадбиркорлик субекти пора олиш ва бериш иллатидан халос бўлиши, бир сўз билан айтганда “**ҳалоллик вакцинаси**” билан эмланиши шартдир.

Агарда, мазкур иллат Инспекциянинг ходимлари фаолиятида учраса, соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларга албатта ўзининг салбий таъсирини қўрсатмай қолмайди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганлариdek, “**давлат тизимини ичидан емирадиган, ижтимоий барқарорлик кушандаси бўлган коррупсия балосига қарши, бюрократиянинг ҳар қандай кўринишларига, одамларни менсимаслик, маҳаллийчилик ва гуруҳбозлик иллатларига қарши барчамиз кескин қураш олиб боришимиз керак**”.

Афсуски, баъзи соҳаларда фаолият юритаётган айрим нопок ходимлар ўз мафаатларини кўзлаб, мансаб ваколатларини суистеъмол қилиб, ноқонуний ишларга аралашиб қолаётгани ачинарли ҳолатдир. “**Қинғир ишнинг қийиги қирқ йилда ҳам чиқади**” деган мақол бежиз айтилмаган. Содир әтилган ҳар қандай порахўрлик сирлигича қолмайди, албатта ошкор бўлади. Шунинг учун мен **сизларни огоҳлантириб ўтмоқчиман, ҳар қандай жиноят учун жазо муқаррардир**, буни ҳар бир Инспекция ходими вужуди билан ҳис қилиши, кўз олдига болалари, ота-онаси ва ака-укаларини келтириши керак.

Барчамиз ваколат доирамиздан, хизмат вазифамиздан ҳамда фуқаролик бурчимииздан келиб чиқиб, ҳар бир корхона ва ташкилотларда, шунингдек, туман, шаҳар ва маҳалла худудидан ўтувчи автомобил транспортида ва темир йўлда поездларнинг ҳаракат хавфсизлигига қаратилган қонунчилик талабларини сўзсиз бажарилишини таъминлашимиз зарур.

Инспекциянинг ташкилот ва корхоналарда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 13-сентябрдаги **ПҚ-374-сонли** асосида ўtkазилаётган текширувларда иштирок этаётган Автомобил ва сув транспортида назорат бошқармалари, Темир йўл транспорти ва метрополитенда назорат бошқармалари ҳамда Йўл қурилиш ишларини назорат қилиш бошқармалари бўйича ҳар бир инспекторни мен шундай таърифляган бўлардим – бу оддий ходим эмас, у давлат топшириғи ва манфаатлари бўйича унинг номидан ҳаракат қилувчи шахсдир. Шунинг учун инспектор деган юксак ҳамда шарафли номга доғ туширмаслик учун ҳалол бўлишимиз, олдимизга қўйилган вазифаларни вижданан, ватанпарварлик туйғусини тўлиқ ҳис этган ҳолда бажаришимиз лозим бўлади. Текширувлар тартибини бузган ходимлар Маъмурий жавобгарлик кодексининг 241², 200², 241¹-241⁴, 241⁶, 241⁸, 241¹⁰ - моддалари ҳамда Жиноят кодексининг 92²-моддасига мувофиқ маъмурий ва жиноий жавобгарликка торитилишини эсдан чиқармаслик зарур.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги “**Коррупсияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупсияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**”ги 829-

сон қарори мувофиқ коррупсияга оид маъмурий ҳуқуқбузарликлар ҳамда коррупсияга оид жиноятлар белгиланган.

коррупсияга оид маъмурий ҳуқуқбузарликлар — Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 61¹, 193¹ ва 193²-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар.

Коррупсияга оид жиноятлар — Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 167-моддасининг иккинчи қисми «г» банди, 168-моддасининг учинчи қисми «в» банди, 192⁹ ва 192¹⁰, 205, 209 — 214-моддалари ва 243-моддасида назарда тутилган жиноятларни мансаб мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиш ҳамда 301-моддасида кўрсатилган жиноятларни ўз ичига олади.

Инспексия ходими юраги, қўли тоза, кўнгли очик, ақл ва заковат соҳиби бўлса, у албатта ҳалқ ишончини, эътиборини қозона олади. Шундай экан, инспексиянинг самарали фаолияти учун авваламбор ўзимиз масъул эканлигимизни унутмайлик.

Келинглар, коррупсия ва порахўрликка қарши муросасиз кураш олиб борайлик!

Мурожаатлар учун ишонч телефон рақами: [71-202-05-01 \(452\)](tel:71-202-05-01).